

Qishloq hayoti

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2023-yil 26-yanvar, payshanba

№ 4 (9220)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti_gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШГА ДОИР БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил қилишга йўналтирилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни белгилаш мақсадида:

1. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари – вазирликлар, кўмиталар, агентликлар ва инспекциялар (кейинги ўринларда – вазирлик ва идоралар) ҳамда улар ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлиналарида Давлат бюджетини ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган жами бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар тизимида жами 17 447 та штат бирликлари қисқартирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан қўшимча бошқарув штат бирликларини киритиш қатъиян тақиқлансин.

2. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари – вазирликлар, кўмиталар, агентликлар ва инспекцияларнинг ягона рўйхати ҳамда уларнинг тўлиқ (расмий) ва қисқартма номлари 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3358-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари уч ҳафта муддатда ҳар бир вазирлик ва идора фаолиятини мутлақо янги тизим асосида ташкиллаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжати лойиҳасини киритсин. Бунда, қуйидагилар назарда тутилсин:

вазирлик ва идораларнинг аниқ асосий фаолият йўналишларини белгилаш, қабул қилинган ривожлантириш дастурлари, стратегиялар ва концепцияларни амалга ошириш;

соҳаларда ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга ечим топишга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий чора-тадбирлар, аҳоли учун қулай шароитлар яратиш, фуқароларнинг тизимли муаммоларини ҳал этиш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, давлат харидлари шаффофлигини ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун тенг имкониятлар яратиш орқали давлат харидлари жараёнида рақобатни ривожлантириш;

энергияни тежаш, унинг самардорлигини ошириш ва соҳага қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жалб қилиш;

тегишли соҳаларда давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг механизмларини кенг жорий қилиш, 2023 йилдан бошлаб вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизим ташкилотларининг айрим функцияларини

ривожлантириш; лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича тақлифлар тайёрлаш. Бунда, лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжат талаб этиладиган фаолият тури, уларни бериш учун талаб этиладиган ҳужжатлар сони, хизмат кўрсатиш вақти ҳамда уларни бериш учун тўловлар (йиғимлар) миқдорини камайтириш;

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш (уларга хизмат кўрсатиш, давлат томонидан субсидия тақдим этиш, имтиёз бериш ва бошқача тартибда қўллаб-қувватлаш) ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

соҳани ривожлантириш дастурлари учун жалб қилинадиган грант ва техник кўмак маблағларининг прогнози ҳамда унинг аниқ йўналишларини белгилаш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш;

вазирлик ва идоралар тизимидаги давлат унитар корхоналари (муассасалари), маъмурия чекланган жамиятлар ҳамда давлат улуши бўйича акциялар пакети бошқарувига берилган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, улардаги давлат улушини хусусийлаштириш бўйича тақлиф тайёрлаш;

вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар томонидан назорат функцияларини “хавфни таҳлил этиш” тизими натижалари асосида амалга ошириш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, уларни мувофиқлаштириш ва назорат функцияларини мақбуллаштириш;

вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг моделни такомиллаштириш;

вазирлик ва идоралар ҳамда улар таркибига кирадиган ташкилотлар кесимида коррупция авж олган соҳаларда унинг ривожланиш сабаблари ва шартларини ўрганиш асосида ушбу соҳаларнинг ҳар бирига “ташхис қўйиш” ҳамда коррупция омилларини бартараф этиш;

соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан, вазирлик ва идораларнинг иш жараёнида рақамлаштириш;

соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг касбий маҳорати ва маъсулиятини ошириш, тизим ташкилотлари ташаббускор, фидойий, садоқатли, ўз устида доимий ишлайдиган кадрларни жалб қилиш ҳамда уларнинг салоҳиятини доимий равишда ошириб бориш;

вазирлик ва идораларнинг ташкилий тузилмаларини тасдиқлаш, улар таркибига киритилган муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштириш;

қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ хатловдан ўтказиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир-бирига мувофиқлаштириш.

(Давоми 2-саҳифада)



Муносабат

Экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги

МУҲИМ ҚАДАМ

Президентимиз томонидан шу йилнинг 10 январь куни “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон имзоланди.

Пахта-тўқимачилик саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Таъбир жоиз бўлса, у ҳудудларни ривожлантириш, қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунинг

дек, экспорт ҳажмини кўпайтиришда локомотив вазифасини ўтайди. Шу боис давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ислохотларнинг янги бо-сиқчида пахта-тўқимачилик жабҳаси тубдан янгиланиб, кластер тизими жорий этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ҚИШ МАВСУМИ МУАММОЛАРИ ТИЗИМЛИ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Ҳеч кимга сир эмаски, бугун давом этаётган аномал совуқ барчани синовдан ўтказмоқда. Бу йилги қаҳратон қиш таъбир жоиз бўлса, халқимизнинг иродасини, ўзаро меҳр-оқибатини ҳам имтиҳон қилапти.

Қийин шароитда вазиятдан чиқиш, муаммоларини бартараф этиш мақсадида чор атрофимизда юз бераётган инсонийлик тамойилларига хос саъй-ҳаракатлар кишини беихтиёр ҳаяжонга солади. Маҳаллада ош дамлаб, шу мураккаб даврларда уйма-уй юриб, кам таъминланган оилаларни йўқлаётган фаоллар, қўли калтароқ ҳамсоясидан хабар олгани бораётган қўшни, кўчада йўлаклардаги музни кўчирётган ободонлаштириш корхонаси ходимларига ўз қалб амри билан термосдан иссиқ чой улашиб юрган ёшлар, ҳатто кенг сайхонликларга кўчма уй-қодирларини ўрнатиб, кимлигидан қатъий назар одамларнинг исиниб ва тамадди қилиб олишлари учун ичкарига тақлиф қилаётган аскар йигитларимиз... Буларнинг ҳаммаси бугунги совуқ шароитда халқимиз томонидан бир-бирларига кўрсатилаётган ўзаро меҳр-оқибатнинг юксак намунаси. Шу нарса аниқки, қийинчиликлар давомий эмас, улар ҳар доим вақтинчалик бўлади. Шунга қарамай, мана шу қисқа фурсатда нафс гирдобидан вазиятдан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлганлар ҳам афсуслик учрамоқда. Бир қатор жойларда бўлгани каби совуқ айти забтига олган кўнларда Тошкент вилоятидаги айрим деҳқон бозорларида оддий пиёзнинг нархи 10 минг сўмга кўтарилди. Бу ҳолат пиёзнинг йўқлиги ёки унинг етарлича захираси мавжуд эмаслигини аңлатмайди.

(Давоми 2-саҳифада)

ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО

ИНТИЗОМГА ЎРГАТАДИМИ?



Меҳнат интизоми Меҳнат қонунчилигининг асосий объекти бўлиб, унга риоя этмаслик қонунбузарлик ҳисобланади ва ходим бунинг учун интизомий жазого тортилади. Ҳўш, ушбу ҳуқуқий истилоҳнинг тугал маъноси нима? Меҳнат интизоми ходимларнинг меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, жамоа келишувлари, жамоа шартномаси, шунингдек, ички меҳнат тартиби қоидалари, ички ҳужжатлар ва меҳнат шартномасига мувофиқ белгиланган ҳулқ-атвор қоидаларига мажбурий бўйсунушидир. Содда тунтириганда, ишга кеч келиш, вазифаларни вақтида бажармаслик, лоқайд муносабатда бўлиш ҳам меҳнат интизомини бузишдир.

(Давоми 3-саҳифада)

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

НАСОСЧИЛАР ЎНГЛАНИШ БЎЛИШИГА ҚАТЪИЙ ИШОНИШМОҚДА...

Аввал ҳам бир неча марта таъкидлаганимиздек, Сурхондарё вилоятида мавжуд 326 минг гектар экин майдонларининг 80 фоиздан ортироқ қисми насос станциялари ёрдамида дарёлар ҳамда сув омборларидан тортиб чиқариладиган обихаёт ҳисобига сўғорилади. Демак, ўз-ўзидан ойдинлашмоқдаки, вилоят қишлоқ ҳўжалигининг барча тармоқлари ривожланиши ҳамда далалар, бог-роғларда, аҳоли томорқаларида мўл ва сифатли ҳосил етиштирилишида насос станциялари ва бу жойларда баракали меҳнат қилаётган муҳандис-техник ходимларнинг хизмати беқиёс.

Аёнки, вилоятнинг турли бурчакларида жойлашган мавжуд 113 та насос станцияларида мингглаб насос агрегатлари ҳамда электр двигателлари ишлаб турибди. Ҳеч шубҳа йўқки, ишлаб турган ҳар қандай техника бузилмасдан қолмайди, бирор эҳтиёт қисми носоз ҳолга келади ёки таъмирталаб бўлиб қолади. Носоз агрегат ёки эҳтиёт қисмини созлаш ёнги янгисига алмаштириш ҳисобига умрини узайтирса, тақрор ишлатса бўлади. Янги агрегат ёнги янги эҳтиёт қисм харид қилиш катта харажатларни талаб қилиши ёш болага ҳам равшан. Вилоятда насос станцияларида кўп йиллардан бўён ишлаётган тажрибали муҳандис-техник ходимларнинг фидойилиги сабаб қурилганига ярим асрдан ортиқ бўлган насос станциялари ва уларнинг агрегатлари ҳамон қишлоқ ҳўжалиги тараққиётига хизмат қилмоқда. Табиийки, ҳар йилги носуғориш мавсумида насос станцияларининг мутахассислари насос агрегатлари ва электр двигателларини таъмир учун тўхтатилади. Кўпгина эҳтиёт қисмларни созлаш, чархлаш, емирилган жойларини пайванда-лаш ишларини станциянинг ўзи-

да амалга оширса бўлади. Лекин айрим йирик насос станцияларида оғирлиги 15-20 тоннадан ортидан эҳтиёт қисмлар борки, уларни шу иш билан шуғуллан-диган ихтисослашган корхона-ларда таъмирлаб келишга тўғри келади. Шундай корхона ёки за-вод вилоятнинг ўзида бўлса нур устига нур. Негаки, элтиш-олиб келиш харажатлари камаяди, теэрқ созланиб, яна агрегатлар-ни жойига ўрнатиб, ишга қўшиш имконияти юзага келади.

(Давоми 3-саҳифада)

АЗОТ ТИРИКЛИК ШАРТИ

Эрамиздан олдинги VI асрда юнон файласуфи Анаксимандр Ер куррасини ҳаво ўраб турганлигини исботлади. Аммо ҳавонинг таркибидан қандай моддалар борлигини аниқлаш учун олимлар 24 асрдан кейин жазм этдилар. Шиша қалпоқ ичига қамалган сичқонлар ундаги кислородни сарф қилиб бўлгач ҳалок бўлади. Ҳавонинг қолган қисмини карбонат ангидридан тозалагач у нафас олиш учун мутлақо яроқсиз эканлигини қузатган инглиз олими Даниэль Резерфорд бу газга “заҳарли ҳаво” деб ном берди. Кейинчалик бир неча олимлар бу тажрибани бошқача услубда текшириб ҳосил бўлган газга турлича ном беришди. 1776 йили француз олим Лавуазье бу тажрибаларнинг ҳаммасини текшириб кўриб, турли номлар билан аталган газлар аслида бир модданинг ўзи эканлигини исботлади ва уни АЗОТ (а – йўқ, зот – ҳаёт) деб атади.

(Давоми 3-саҳифада)

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ТЕПАҚЎРҒОН ТОЛЛАРИДАН ТАЙЁРЛАНГАН САВАТЛАР

Ўзбек халқи ўзининг асрлар давомида шакллانган ва сайқал топган халқ амалий санъати билан бутун дунёга машхур.



Санъатнинг ноёб турларидан бири сават тўқиш санъатидир. Сават тўқиш ўзбек халқининг азалий хунари бўлиб, ота-боболаримиз қадимдан томорқа ва ҳовли атрофларини шох-шаббалардан қилинган махсус тўсиқ – тўрлар билан ўраб келганлар. Ҳар хил новдалардан турли-туман

саватлар тўқишган. Уларнинг ҳар бири шакли ва ишлатиш жойига қараб турли номлар билан юритилади. Масалан, нон сават, қошиқдон, гулдон, дастурхон узум ва бошқалар. Қадимдан сават тўқувчиларнинг махсус дўкони бўлиб, у ерда турли-туман саватлар сотилган.

– Биласизми, маҳалламиздаги қаровсиз, фойдаланилмай келаётган бўш биномизда Навоийлик тadbиркорнинг ташаббуси ҳамда Тепақўрғоннинг бешлик маҳалла ходимлари билан биргаликда ишсиз хотин-қизлар ва ёшлар хунар ўрганиб, саватлар тўқишяпди, – дейди



маҳалланинг хотин-қизлар фаоли Раъножон Тўхтаназарова.

Иш жараёнини четдан кузатар эканман, хунарни зийраклик билан ўрганаётган ёшларга ҳавасим келди. Улар орасида 14 ёшни қарши олган ёш хунарманд Жасурбек ҳам бор. Қисқа фурсатда хунарни ўлаштириб олган Жасурбек ўзи тўқиган саватлар билан ғурурланиб, хунарни ўрганаётганидан бениҳоя шод.

Қадимдан тут, терак, топ, буғдой пая, қамиш ва бошқа материаллардан сават тўқишда фойдаланилган. Айниқса, қоратолнинг новдасидан тўқилган саватлар жуда чидамли ҳисобланган. Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида бармоқ билан санарли моҳир усталар бор. Улар халқимизнинг қадимий анъаналарини давом эттирмақдалар. Шу ўринда Чустнинг Тепақўрғон маҳалласида ҳам ушбу қадимий хунармандчиликнинг ташкил қилиниши миллий анъаналаримиз ҳамон барҳаёт эканлигидан далолат десак, адашмаган бўлаемиз.

Отабек ҚОБИЛОВ,
Чуст тумани Тинчлик маҳалласи ёшлар етакчиси.

Қўтлов

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли бадий раҳбари Абдулҳошим Исмоилов таваллудининг 70 йиллиги Наманганда ҳам муносиб нишонланди.

Вилоят ҳокимлиги ва "Ozbek konsert" Давлат муассасасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган концертда миллий санъатимиз дарғаларидан тортиб, ёш истеъдод эгаларига қуй-қўшиқлар тақдим этди. Юбилей концерти аввалида вилоят ҳокими Шавкат Абдуразақов сўзга чиқиб, Абдулҳошим Исмоиловни қўтлуғ ёши билан наманганлик санъат ихлосмандлари номидан табриклади.

Наманган шаҳрининг "Элобод сити" мавзесидаги "Навбахор" танта-

налар мажмуасида бўлиб ўтган юбилей концерт дастури санъатсевар наманганликларнинг ўзига хос ижодий иштиёқини ифодалади. Икки мингга яқин мумтоз ашула ва замонавий қўшиқларга созандалик ва бастакорлик қилган юбилейнинг дастур сўнгидаги анъана бўлиб жўрликдаги жижякий наволар билан чиқиши миллий мумтоз санъатимиз ривожининг бардавомлигидан далолат эди.

Носир АББОС
Раҳмонжон
МАМАДАЛИЕВ
олган сурат.



Ҳайрат

(Ўзбекистон Халқ артисти Абдулҳошим Исмоиловга)

Сизга илтимосим эй дўст, тин олинг,
Дунё ташвишлари ордона қолсин.
Машшоқ созин созлар, оҳ, қулоқ солинг,
Сел бўлиб юраклар оромлар олсин.

Сиздан илтимосим бир сўз ҳам деманг,
Ҳатто чақмоқ чақиб, гумбурлаб кетса.
Бегона ҳисларга зинҳор изн берманг,
Қошимга Азроил излабон келса.

Сиздан илтимосим, кўзни юмибон,
Куйнинг оҳангида сел бўлиб оқинг.
Дунё озоридан инграйди камон,
Сеҳрғар бармоқлар титрайди, боқинг.

Сидан илтимосим, қаддингиз тутинг,
Тассанолар айтинг, машшоқ бориға.
Хассос талантига ашъорлар битинг,
Гуллар поёндоздир унинг пойига.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
"Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби.

Эълон

"SQB Insurance" суғурта компанияси

акциядорлик жамиятининг А4 форматдаги 0273551, 0024512, 0273263, 0273268, 0273267, 0273256, 0275441, 0017995, 0025272 ва 0270463 серияли ҳамда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ҳайдовчилар сони чекланган PSL 0013476 серияли, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ҳайдовчилар сони чекланмаган PSU 0008588 ва PSU 0008677 серияли полис бланкалари йўқолганлиги сабабли юридик кучини йўқотганлиги маълум қилинади.

Мутахассис тавсиялари

Аномал совуқда кеч экилган, айниқса, сабзавот экинлари ўрнига экилган бошоқли дон экинлари майдонларини алоҳида назоратга олиб, ниҳоллар ривожини паст бўлган майдонларда қўшимча агротехник чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Совуқ ҳарорат туфайли ғалла майдонларида тупроқнинг 15-20 см. қатламигача шимолда эса 30-35 см.гача музлаши юзага келди.

Бу йилги совуқ об-ҳаво шароитида ғалла ниҳолларининг тиним даври узоқ бўлиши қутилмоқда, ўртача ҳаво ҳарорати +5 С0 бўлгунга қадар ғалла тиним даврида бўлиб, бу даврда сув ва озукани ўлаштирмайди. Бугунги кундаги ғалла парваришида навларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, яъни эрта, ўрта, кечпишарлигига ҳамда ўсимликларнинг туپлаш даражасига ҳамда тўла униб чиққан ва чиқмаган майдонларга қараб, ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим, об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда ғалла парваришига киришиш лозим. Озиқлантирилмаган ва суғорилмаган, тупроқда намлик етарли бўлмаган ғалла майдонларидаги ниҳоллар совуққа, бошқа стресс омилларга берилувчан ҳамда касаллик ва зараркундаларга тез чалинувчан бўлиши кўп йиллик тажрибаларда кузатилган. Эрта баҳорда ҳаво ҳароратининг тез кўтарилиб кетиши ғалла ниҳолларининг қўшимча тупланмасдан найчалаш фазага ўтиб кетиши натижасида ғалла ҳосилдорлиги пасайиб кетишига сабаб бўлади. Айрим далаelerde ғалла ривожини орқада, туپлаш даражаси пастлиги кузатилмоқда. Ривожини паст, яъни тупламаган ғалла майдонларида бегона ўтларнинг кўпайиши ҳамда касалликлар ва зараркундаларнинг ривожланиши кучайиб, ҳосилдорликка жиддий зарар келтириши кўп йиллик амалиётда кузатилган. Шунинг учун кеч экилган, ривождан орқада қолган ҳамда ривожини яхши ғалла майдонларда феврал ойидаги об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, азотли минерал ўғитлар ва мавжуд биоўғитлар билан озиқлантириш ва суғориш ишларини "шарбат" усулида амалга ошириш керак. Ҳозирги кунларда ғалла парвари-

АНОМАЛ СОВУҚДАН КЕЙИН БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ

ҚАНДАЙ ПАРВАРИШЛАНАДИ?

шига ҳар бир вилоят, туманнинг ўзига хос шароитдан келиб чиқиб ёндашиш зарур. Ғалла майдонларининг қор билан қопланган қатламидан келиб чиқиб иш ташкил этиш зарур. Сувга танқис бўлган ҳудудлар ёки сувнинг келиши қийин бўлган майдонларга алоҳида эътибор бериш зарур. Жанубий минтақаларда феврал ойининг бошида ҳаво ҳароратига қараб қор қатламининг эрий бошлашда ғалланинг ҳолатига қараб азотли ўғитларни бериш лозим. Бунда ўғит қор эриши билан бирга ғалла майдонига сингиб боради. Бу ғаллага бир сув бериш билан тенг бўлади. Энг асосийси, азотли ўғит эриб, ҳавога кўтарилмайди. Ўғитнинг самарадорлиги юқори бўлади.

Республикамизнинг шимолий ҳудудларида эса ғалла майдонлари қор қоплами билан ёпилмади. Қор кам ёққани сабабли ғалла қор остида қолмади. Натижада қуруқ совуқ, яъни ҳаво ҳарорати 25-30 °С гача қуруқ совуқда қолди. Бундай ҳолатларда ер устдаги ғалла майсалари бутунлай совуқда нобуд бўлди. Бу минтақаларда совуққа чидамли ғалла навларинида барча намунадаги навларнинг туپлаш бўғини ва илдизлари соғлом ҳолатда. Ушбу майдонларга 5-10 тоннадан чириган гўнг, иложи бўлса кўпроқ маҳаллий ўғитлар сепилиши лозим. Маҳаллий ўғитларни сепиш имконияти

бўлмаган ғалла майдонларига эса об-ҳаво илиши ёки (0-+5 °С) даража бўлганда таркибиде органик ва макро-микро элементларни сақлаган моддалар билан Гумат, Гио-гумат, Агрозим, Байкал-М ва бошқа препаратлар билан кетма-кет ҳар 10 кунда бир маротаба суспензия сепиш тавсия этилади.

Ғалла майсалари қайта ўсиб, тикланганидан сўнг бошқа навбатдаги ишловлар ўтказилиши керак. Умуман олганда ғалланинг тиним даврида бепарво бўлиш асло мумкин эмас. Қиш ойлари ғаллакорлар учун ўта масъулиятли давр бўлиб, феврал ойида кечиктириб бўлмайдиган қатор агротехник ишларни амалга ошириш зарур. Ҳар 5 гектар ҳисобига "шарбат" ўраларни қовлаш, мавжудларини таъмирлаш, 5-10 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариш, ривожини жуда орқада бўлган майдонлар учун 20-30 тоннадан чириган гўнг чиқариб сепишни ташкил этиш, суғориш тармоқларини таъмирлаш, зовурларни тозалаш, ривожини паст, 1-2, 3-4 баргли ғалла майдонларини гектарига 150 кг. меъёрда азотли минерал ўғитлар билан озиқлантириш каби юмушлар шулар жумласидандир. Ушбу майдонларда тўла тулпагунга қадар кимёвий воситалар билан бир марта ҳамда тўла тулпагундан кейин карбамид билан гектарига 10-12 кг. меъёрда суспензия сепишни ташкил этиш лозим. Ниҳоллар тўла тулпаган майдонларга карбамид ўғитидан гектарига 150 кг.дан, агар аммиакли селитра ёки сульфат аммоний

ўғитидан берилмаган бўлса гектарига 200-250 кг.дан берилиб, суғоришни "шарбат" усулида ўтказиш тавсия этилади. Республикаимизнинг жанубий минтақаларида феврал ойининг биринчи ўн кунлигида, бошқа ҳудудларда феврал ойининг иккинчи ўн кунлигида, сув танқис ҳамда суғориш қийин бўлган ғалла майдонларига қор эриши арафасида гектарига 100-150 кг. меъёрида азотли ўғит бериш сувни тежайди ҳамда ғалла ривожини тезлаштиради. Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши натижасида тиним давридан чиққан, тўла тулпаган, ривожини яхши, ғалла ниҳоллари ер юзасини тўла қоплаган майдонларга кимёвий воситалар билан гектарига 10-12 кг. меъёрда суспензия сепишни ташкил этиш, гўза қатор орасига экилган ғалла майдонларини гўзапоё ва хас-хашаклардан зудлик билан тозалаш лозим. Шунингдек, ғаллазорлардаги бегона ўтларга, кассаллик ва зараркундаларга қарши кимёвий курашни ташкил этишга зарур бўлган кимёвий воситалар захирасини тўлдириш ва уларни қўллашга зарур бўлган ОВХ-05, штангали пуркагичларни тўла таъмирдан чиқариш, бугунги кундаги об-ҳаво шароитларини инобатга олиб, ғалла майдонларида ниҳоллар ривожини доимий назорат қилиб бориш учун кузатувчилар гуруҳини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳўш, ушбу ишлар амалга оширилди, бунда қандай натижаларга эришилади? Об-ҳаво серёғини ва

аномал совуқ келганида ўсимлик ҳолатини инобатга олиб ғаллани суғориш ва озиқлантириш ғалла ривожини тезлаштиради. Белги-ланган муддатларда берилган сув тупроқ қатламидаги ишқорли муҳитни ўзгартиради, чучук сув илдиз жойлашган тупроқдаги шўр-нинг ювиши ҳисобига ғалланинг илдиз тизими яхши ривожланади ва туپлаш жараёнини тезлаштириб, март ойининг ўрталарига 3-4 тадан туп ҳосил қилишни таъминлайди. Ғалла экилган майдонлардаги тупроқ қатламидаги намлик 35-40 см.дан пастроққа тушади. Натижада ғалланинг қурғоқчиликка чидамлилиги ортиб, апрел ва май ойларидаги қурғоқчилик ҳамда сув танқислиги вақтида ҳам ғалла ҳосили камайишининг олди олинади. Май ойларида об-ҳаво бирдан кўтарилишида ҳам ғалла майдонларидаги тупроқнинг 35-40 см. чўқурлигида намлик сақланиб, ғалланинг муддатидан олдин пишишининг олди олинади. Доннинг тўлиқ бўлиши таъминланади ва бошоқнинг пуч бўлиб қолиши ёки ингичка дон ҳамда зиравош бошоқлар пайдо бўлишининг олди олинади ва ҳоқозо.

Ушбу тавсияларнинг бу йилги об-ҳаво шароитлари ҳисобга олинган ҳолда бажарилши жорий йилда ҳар гектар ҳисобидан 70-80 центнер ва ундан юқори ҳосил олинishiга замин яратлади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,
Дон ва дуқакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, к.х.ф.д., профессор.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъмаси комплекс таркибидеги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ, Мухаммадҷон ТОШБОЛАЕВ, Ақтам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Бюджетга Г-140. 3 200 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50. Факс – (0-371) 233-09-93. Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоши келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.10